

УЎТ 631.52. 633.16

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР ҚЎЛЛАНГАН ҲОЛДА “АДИР” АРПА НАВИННИНГ ОРИГИНАЛ УРУГЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ

Т.Маматқұлов

қишлоқ хўжалик фанлари доктори

З.И.Усаров

қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори
Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институтидаги яратилган “Адир” арпа навининг бошлангич уруғчилигини йўлга қўйши ва жорий қилиши натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Авлод, баҳолаш, белги, бирламчи уруғчилик, навдорлик, дала кўриги, касаллик, кузатув, кўпайтириши, лаборатория кўриги, негатив танлаш, оила, танлаш, тизим, уруғлик, уруғчилик, уруғчилик схемаси, фенология, ҳосил, ҳосилдорлик, биринчи йил кўпайтириши, якка танлаш.

ABSTRACT

The article presents the results of the creation and implementation of the initial sowing of the barley variety "Adir", created at the Scientific Research Institute of Agriculture "Lalmikor".

Keywords: Generation, assessment, trait, primary seed productivity, yield, field survey, disease, observation, reproduction, laboratory examination, negative selection, family, selection, system, seeds, seed science, seed production scheme, phenology, yield, first breeding year, single selection.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ-521-сон «Уруғчилик тўғрисида»ги қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда экологик иқлим ўзгаришлари натижасида кузатилаётган атмосфера қурғоқчилиги, сув ресурсларининг чекланганлиги туфайли арпа навларини яратишда бошланғич манбаларни тўғри

танлаш ва улардан селекция усуларидан фойдаланилган ҳолда янги тизмалар ва навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида арпанинг янги навларини яратища курғоқчилик, касаллик ва зааркунандаларга бардошли, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат қўрсаткичлари юқори бўлган нав намуналаридан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ҳозирги қунга қадар арпанинг 100 дан ортиқ баҳорги ва 40 дан ортиқ кузги навлари районлаштирилган. Шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркия, Швеция, Белоруссия, Германия, Словения, Дания, Белгия, Франция каби мамлакатларда арпа селекциясини янада ривожлантириш учун селекция ва генетик ишларини физиологик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Шу сабабдан, арпанинг янги навларини яратища дунё генофондидан ҳамда навларидан кенг фойдаланилган ҳолда эртапишар, серҳосил, ташқи муҳитнинг кескин ўзгарувчан омилларига, касаллик ва зааркунандаларга бардошли, сув танқислиги шароитларида этиширишга мос, энг муҳими юқори сифатли навларини тезроқ яратиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш ҳосилдорликнинг камида 20% ошишига олиб келади. Навлар янгиланиш жараёни қанчалик тез амалга оширилса, натижа шунчалик самарали бўлади (Г.В.Гуляев, 1992).

Уруғчилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маҳсус тармоғи бўлиб, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва яратилган янги навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда бу навларнинг сифатли маҳсулдор уруғларини кўпайтириш билан шуғулланади (Уразалиев Р.А. 1993).

Кўпгина адабиётлардан келтирилган маълумотлардан кўринишича, Курбонов F.Қ. (2001) йирик уруғнинг дала шароитида униб чиқиш даражаси ортиқ бўлади, бундай уруғдан бақувват кўчат олинади ва у яхши туплайди, серҳосил бўлади, бинобарин озиқланиш майдонини бирмунча ортиқроқ талаб қиласида. Шунинг учун ҳам юқори ҳосил олиш учун экиладиган уруғлик миқдори йириклиқдаги уруғларга нисбатан бир қадар кам бўлиши керак.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Бирламчи уруғчилик схемаси тажриба майдонларини экишга тайёрлаш, экиш, озиқлантириш каби агротехник тадбирлар Лалмикор дехқончилик илмий-

тадқиқот институтида (2004) ишлаб чиқилган услубий қўлланмасидан фойдаланилди.

Илмий-тадқиқот ишлари кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар авлод кўчатзорларига танлаш, навга хос бўлган ўсимликларни ажратиб олишда «Практикум по селекции и семеноводству полевых культур» (1987), ҳалқаро классификатор (1983) ва маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик статистик таҳлил қилинди.

Навларнинг қишига ва совукқа чидамлилиги дала шароитида униб чиққандан кейин ва қишлиб чиққандан сўнг қолганлари санаб чиқиб, баҳоланди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

“Адир” навининг биринчи йил авлодларни синаш кўчатзори.

Биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорига 2021 ва 2022 йиллари “Адир” навининг навдорлиги ва нав тозалиги қори бўлган экинзорларида ҳар йили 1200 тадан бошоқ танлаб олиниб, улар маҳсулдорлик кўрсаткичлари: бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, битта бошоқдаги дон сони ва вазни белгилари ўрганилди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича юқори ва жуда юқори кўрсаткичларга эга бўлган 1000 та дан бошоқлар ҳар йили танлаб олинди ҳамда “Адир” навининг биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорига экилди.

2020-2021 қишлоқ ҳўжалиги йилида ёғин миқдорининг куз ойларида: октябр ойида ёғингарчилик бўлмаганлиги, ноябр ойида 48,0 мм ёғин миқдори бўлсада иккинчи ва учинчи ўн кунлигига ҳаво ҳарорати мос равишда $-2,3^{\circ}\text{C}$, $-3,0^{\circ}\text{C}$, минимал ҳаво ҳарорати ўртача $-16,8^{\circ}\text{C}$, $-24,0^{\circ}\text{C}$, максимал ҳаво ҳарорати $6,5^{\circ}\text{C}$, 15°C бўлиши натижасида арпа майсаларининг униб чиқиши учун қулай (кўкариб олиш учун энг паст $1-2^{\circ}\text{C}$, энг юқори 30°C , энг қулай 25°C) об-ҳаво шароити бўлганлиги сабабли униб чиқиш, қишлиш учун салбий таъсири кўрсатди.

Декабр ойида ўртача ҳаво ҳарорати кўп йилликка нисбатан ($0,5^{\circ}\text{C}$) $-0,8^{\circ}\text{C}$ паст, минимал ҳарорат -10°C , ёғин миқдори кўп йилликка нисбатан 44,6 мм кам бўлганлиги туфайли ниш отган уруғларда, совукдан заарланиш, нам нам етишмаган тупроқда уруғ узоқ вақт туриб қолиб ўз ҳисобига озиқланиши, нам етишмаслиги уруғлар яшаш учун 1000 атмосферада куч билан сувни шимиши натижасида уруғларнинг униб чиқиши учун ҳимоя қиладиган биринчи барг ёрилиб, унинг унувчанлик қобиляти бутунлай йўқотилишига олиб келди.

Тупроқнинг намлик ва ҳаво ҳарорати даражаси бир-бирига мувофиқ равишда қулай бўлмаганлиги уруғнинг унишида нишларнинг ва майсаларнинг

дастлабки физиологик бузилишдарига сабаб бўлди ва уларнинг ҳаётчанлиги сусайди. Натижада ўсимликларнинг сийракланишига олиб келди.

Январ ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб максимал ҳаво ҳарорати 16,3 °C илиқ келиши туфайли совуқдан заарланмаган, униб чиқиш қобилятини сақлаб қолган уруғларнинг униб чиқиши қайд этилди.

2021-2022 қишлоқ хўжалик йилида ҳам куз, қиши фаслларида об-ҳаво шароитларининг ноқулай келиши сабабли 19-25 феврал кунлари униб чиқиш қайд этилди.

2020-2021, 2021-2022 қишлоқ хўжалик йилларида куз фаслларида тупроқ қурғоқчилиги бўлганлиги туфайли нав ва тизмалар уруғларининг ниш отиш даврида қишлаш сабабли тизмаларнинг қишлашга чидамлилик даражаси бўйича дала шароитида баҳолаш учун яхши имконият яратилди.

Гуруҳларга ажратиб баҳолашда халқаро классификатордан (Hordeum L.) (1983) фойдаланилди.

Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш қўчатзорида қишлашга чидамлилик хусусияти паст (3) дан жуда юқори (9 балл) оралиғида бўлганлиги аниқланди. 2021 йилдаги таҳлилларга кўра паст (31-50 %) гуруҳга 5 та (0,57 %), ўрта гуруҳга 232 та (26,5 %), юқори гуруҳга 623 та (71,28 %), жуда юқори гуруҳга 14 та (1,6 %), 2022 йилда ўртача гуруҳга 160 та (16,9 %), юқори гуруҳга 600 та (60,0 %), жуда юқори гуруҳга 321 та (23,1 %) тизмалар мансублиги аниқланди. Бу албатт ушбу йўналишда лабораторияда қишлашга бардошли навлар яратиш борасида селекция ишлари алоҳида эътибор беришдан деб изоҳлаймиз (1-жадвал).

1-жадвал.

**Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш қўчатзорида
авлодларнинг қишлашга чидамлилик хусусияти бўйича гуруҳларга
тақсимланиши.**

Т/р	Нав	Йиллар	Авлодлар сони, дона	Қиилашга чидамлилик бўйича гуруҳлар, дона				
				Жуда паст (<30,0%)	Паст (31- 50%)	Ўртача (51- 70,0%)	Юқори (71-90 %)	Жуда юқори (>90,0%)
1	Адир	2021	874		5	232	623	14
2	Адир	2022	1000			169	600	231

Арпа экини бўйича фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига синов ўтказиш қўлланмаси асосан Адир навининг белги ва хусусиятларига кўра энг яқин бўлган Лалмикор навидан фарқлари (стандарт навдан) дала қўриклари бўйича қўйидагича (2-жадвал).

2-жадвал

**Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорида
авлодларни фарқлаш ва барқарорлик мезонлари бўйича баҳолаш.**

Кўриклар номи	Морфологик белгилари																
	3. Усиммиллар кузатилганда ён баргларнинг		4. Ён барг: кулоқчаларининг аннотацион ранги		5. Ён барг: кулоқчаларининг аннотацион рангининг		14. Бошок шакли		15. Бошок зичлиги		19. Бошок рўваги: биринчи бўйим этиланлиги		20. Иккита катори арпа бошок рўваги: бўйимдаги		Дон шакли		
я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н
2021 йил																	
1-дала кўриги	65	809	62	747	78	699											
2-дала кўриги							30	669	26	643	25	618					
Лаборатория кўриги													1	617	2	615	
2022 йил																	
1-дала кўриги	11	989	8	981	7	974											
2-дала кўриги							18	956	17	939	16	923					
Лаборатория кўриги													3	920	2	918	

Биринчи дала кўригига натижалари қўра 2021 йил Адир навининг 3,4,5 рақамли морфологик белгилари бўйича жами 175 та яроқсиз 699 навдор, 2022 йилда мос равишида 26, 974, иккинчи дала кўригига 14,15,19 рақамли белгилар бўйича 2021 йилда 81 та яроқсиз, 618 та навдор, 2022 йилга мос равишида 51, 923, лаборатория кўригига 2021 йилда 3 яроқсиз, 615 навдор, 2022 йилга тегишлиси 5, 918. Жами Адир навининг морфологик белгилари хос 2021 йилда 615 та, 2022 йилда 918 та тизмалар иккинчи йил авлодлар кўчатзорига ўтказиш учун танлаб олинди.

Биринчи йил авлодларини синаш кўчатзори, 2021-2022 йиллари Адир навидан якка танлаш усулида танлаб олинган авлодлар 16-18 ноябрда экилди. Тажриба майдонида олиб борилган кузатувлар натижасига қўра уруғ экилгандан униб чиқсангача 2021 йилда 63-64 кун, 2022 йилда 99-100 кун, уруғ

униб чиққандан бошоқлашгача 2021 йилда 171-172 кун, 2022 йилда 170-171 кун, уруғ униб чиққандан пишишгача 2021 йилда 212-213 кун, 2022 йилда 213-214 кунни ташкил этиши аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорида вегетация даври.

Йиллар	Экилган авлодлар сони, дона	Уруғ			Туплаш, кун	Бошоқлаш, кун	Бошоқлашгача бўлган, кун	Мум пишиш, кун	Мум пишишгача бўлган, кун	Пишиш, кун	Пишишгача бўлган, кун
		Экилган муддат, кун	Униб чиқини,	Униб чиққан гача бўлган, кун							
2021 й.	1000	16- 17.11	18- 19.01	63-64	8- 9.02	6- 7.05	171- 172	1- 2.06	197- 198	16- 17.06	212- 213
2022 й.	1000	17- 18.11	24- 25.02	99-100	14- 15.03	6- 7.05	170- 171	4- 6.06	199- 200	19- 20.06	213- 214

Биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорида тизмаларни чикитга чиқаришда асосий маҳсулдор бошоқ, бир бошоқдаги дон сони, битта бошоқ вазни сингари белгилар ҳисобга олинади.

Арпа экинининг бирламчи уруғчилигини олиб боришда якка танлаш усулида яроқсизларни чиқаришда тизмаларнинг ҳосилдорлигига албатта эътибор қаратилади.

Икки йиллик тадқиқотлар давомида 2021 йилда навдор деб топилган 615 та, 2022 йилда 831 та тизмалар орасидан ҳосилдорлик кўрсаткичи андоза Адир (элита) навига нисбатан 105,0 % юқори кўрсаткич кўрсатган 2021 йилда 293 та тизма, 115,1 % дон юқори 228 та, жуда юқори ($>125\%$) 28 та, 2022 йилда мос равища 372, 245, 85 та тизмалар ҳосилдорлиги юқори, $\text{г}/\text{м}^2$ да маҳсулдор поя сони, 1000 та дон вазни, бир бошоқдаги дон сони, бир бошоқдаги дон вазни бўйича тизмалар танлаб олинди (4-жадвал).

Адир навининг биринчи йил авлод кўчатзори учун навининг навдорлиги ва навга хослиги юқори экинзорлардан бошоғи йириқ, дони, поя узунлиги бир текис, қора куя ва доғланиш касалликлариға чалинмаган ўсимликлардан 1200 та бошоқ танлаб олинди. Танланган бошоқлар биометрик таҳлил: ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, дон сони, бир бошоқдаги дон вазни журналга қайд этилди. Таҳлил натижалариға қўра юқори кўрсаткичларга эга бўлган бошоқлар бир бошоқ алоҳида тозаланди., доннинг бир текислиги ва тўқлиги кўз билан баҳоланди. Ҳар қайси бошоқдаги дон рақамланган кичик пакетларга солинди ва ип билан тикилди.

4-жадвал

**Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш кўчатзорида
авлодларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича кўрсаткичлари
Фаллаорол 2021-2022 йй.**

Ҳосилдорл ик кўрсаткичл ари бўйича гурухлар (андозага нисбатан, %)	Йилл ар	Синаш кўчатзорида танлаш натижалари		Синаш натижалари					
		Ажралг ан тизмал ар сони, дона	Андоза га нисбата н маҳсул дор тизмала п, %	Ҳос ил г/м ²	Андоза га нисбат ан, %	г/м ² да маҳсул дор поя сони, дона	1000 дона дон вазни, г	Бир бошоқд аги дон вазни, г	Бир бошоқд аги дон сони, дона
Жуда паст (>75,0 %)	2021								
	2022	11	1,32	114	73,8	186	58,2 3	1,22	22
Паст (75,1- 105%)	2021	16	2,60	46	95,0	77	53,1 4	1,10	21
	2022	68	8,18	139	92	264	62,2 2	1,35	24
Ўрта (105,1- 115%)	2021	293	47,64	55,0	110,0	85	55,0 9	1,25	23
	2022	372	47,76	169, 9	110,0	291	64,2 3	1,51	25
Юқори (115,1- 125%)	2021	228	37,07	60,0	120,0	93	56,0 0	1,45	25
	2022	245	29,48	185, 3	120,0	303	65,6 5	1,62	28
Жуда юқори <td>2021</td> <td>28</td> <td>4,55</td> <td>62,9</td> <td>125,8</td> <td>97</td> <td>57,5 4</td> <td>1,55</td> <td>26</td>	2021	28	4,55	62,9	125,8	97	57,5 4	1,55	26
	2022	85	10,23	206	133,4	323	66,3 0	1,73	30
Андоза навнинг ўртача кўрсаткич и	2021	50	8,13	50,0	100	82	54,1 8	1,21	23
	2022	50	6,02	154, 4	100	253	62,4 8	1,45	24



1-расм. Адир навининг биринчи йил авлодларини синаш кўчатзори.



**2-расм. Адир навининг биринчи йил авлодлар кўчатзорида
унувчанлиги юқори бўлган намуналарни баҳолаш.**

Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорига 2021 йилда биринчи йил авлодлар кўчатзоридан танлаб олинган 500 та, 2022 йилда 600 та тизма уруғлари экилди. Экиш майдони 5m^2 , экиш меъёри 2,5 млн дона уруғ, ҳар 19 та тизмадан кейин андоза (Адир навининг элита авлоди) нави жойлаштирилди.

Қишига чидамлилик бўйича тадқиқот йилларида 2021 йилда ўрганилган 500 та тизмалардан 21 та тизма ёки 4,20% паст (3 балл), 128 та тизма ёки 25,6% ўрта (5 балл), 399 та тизма ёки 67,8 % тизма юқори (7 балл) ва 12 та тизма ёки 2,4% тизмалар жуда юқори (9 балл) чидамлилик гурухига мансублиги аниқланди. Аксарият тизмалар 399 та ёки 67,8% юқори, 12 та тизма жуда юқори

чиdamлилик натижани кўрсатди. 2022 йилда об-ҳаво қулай келганлиги сабабли асосан юқори (71-90%) 125 та тизма (20,83%) ва жуда юқори (> 90,0%) балл билан 475 (79,17%) тизмалар баҳоланди (5-жадвал).

5-жадвал.

**Адир навининг иккинчи йил авлодларини синаш кўчатзорида
авлодларнинг қишлишга чидамлилик хусусияти бўйича гурухларнинг
тақсимланиши (Фаллаорол 2021-2022 йй)**

Т/р	Йиллар	Авлод сони, дона	Қишлишга чидамлилик бўйича гурухлар, дона				
			жуда паст (< 30%)	паст (31-50%)	ўртacha (51-70%)	юқори (71-90%)	жуда юқори (> 90%)
1	2021	500		21	128	399	12
2	2022	600				125	475

Тадқиқотларда арпа экини бўйича фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига синов ўтказиш қўлланмаси асосан Адир навининг белги ва хусусиятларига қўра энг яқин бўлган Лалмикор навидан фарқлари (стандарт навидан) дала кўриклари бўйича қуидагича:

Биринчи дала кўригига ўсимликларда ён баргларининг эгилганлигининг катталиги, ён барг қулоқчаларининг антоциан рангининг жадаллиги ўртачалиги, иккинчи дала кўригига бошоқ шаклининг силиндрисимонлиги, бошоқ зичлигининг юмшоқлиги, бошоқ рўваги: биринчи бўғин эгилганлигининг кучайиши, учинчи кўрик лаборатория шароитида икки қаторли арпа бошоқ рўваги бўғиндаги дўнгчаларнинг бўлиши ўртачалиги, дон шаклининг эллиптик шакли сингари морфологик белгилари бўйича фарқланиши билан баҳоланди (5-жадвал).

5-жадвал

**Адир навининг иккинчи йил авлодларини синаш кўчатзорида
авлодларни фарқлаш ва барқарорлик мезонлари бўйича баҳолаш
(Фаллаорол 2021-2022 йй)**

Кўрик номи	Йилла р	Усимликлар кузатилганда ён баргларнинг	Морфологик белгилар													
			Ён барг кулоқчаларининг антоциан рангини		кулоқчаларининг антоциан рангини		Бошоқ шакли		Бошоқ зичлиги		Бошоқ рўваги биринчи бўғини		Иккитаражини арпа бошоқ рўваги бўғимидаги дўнгчаларнинг		Дон зичлиги	
я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	я	н	
I-дала кўриги	2021	1 3	47 7	1 3	46 4	1 2	45 2									

	2022	1 2	58 8	1 3	57 5	9	56 6										
II-дала кўриги	2021							1 0	4 4 2	1 0	4 3 2	9	42 3				
	2022							1 2	5 5 4	1 2	5 4 2	1 1	53 1				
Лаборато рия кўриги	2021												1	442	1	4 2 1	
	2022												2	529	2	5 2 7	

Танлов натижаларига кўра биринчи дала кўригига Адир навининг 2021 йилда 3,4,5 рақамли морфологик белгилари бўйича жами 38 та яроқсиз, 452 та навдор, 2022 йилда мос равишида 34, 566 та . иккинчи дала кўригига 2021 йилда 29 та яроқсиз, 423 та навдор 2022 йилда мос равишида 35, 531 та, лаборатория кўригига 2021 йилда жами 2 та яроқсиз, 421 та навдор, 2022 йилда мос равишида жами 4 та яроқсиз ва 527 та навдорлик белгилари билан баҳоланди. Икки йиллик олиб борилган натижаларга кўра биринчи ва иккинчи дала кўриклари ҳамда лаборатория кўрикларида 2021 йилда 421 та навдор, 77 та тизма яроқсиз, 2022 йилда 527 та тизма навдор, 73 та тизма яроқсиз белгилари билан баҳоланди.

Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзори 2021-2022 йилларда Адир навидан якка танлаш усулида танлаб олинган авлодлар 16-18 ноябрда экилди. Тажриба майдонини олиб борилган кузатувлар натижасига кўра уруғ экилгандан униб чиққангача 2021 йилда 58-59 кун, 2022 йилда 95-99 кун, униб чиққандан бошоқлашгача мос равишида 185-187, 174-175 кунни ташкил этди. Униб чиққандан тўлиқ пишишгача мос равишида 221-224, 221-226 кунни ташкил этиши аниқланди (6-жадвал)

Касалликларга чидамлилик хусусиятлари ўрганилганда 2021 йилда 5-10%, 2022 йилда 5-25% заарланганлиги аниқланди. 2022 йилда нисбатан кучли заарланган 58 та тизма яроқсизликка чиқарилди.

6-жадвал

**Адир навининг иккинчи йил авлодларини синаш кўчатзорида
вегетация даври (Фаллаорол 2021-2022 йй)**

Йиллар	Ургуф			Туплаш, кун	Бошқолаш, кун	Бошқолашгача бўлган кун,	Мум пишиш, кун	Мум пишишгача бўлган кун	Пи-шиш, кун	Пишишгача бўлган кун
	Экилга н муддат, кун	Униб чиқи ш, кун	Униб чиқсан гача кун							
2021	16-17 XI	13-15.01	58-59	6-8.02	20-23.05	185-187	10-13.06	206-209	25-28.06	221-224
2022	17-18 XI	20-25.02	95-99	14-15.03	10-11.05	174-175	4-5.06	206-212	19-20.06	221-226

Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорида ҳосилдорлик бўйича кўсаткичларини баҳолашда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган халқаро классификатор СЭВ рода Hordeum L (1983) ни қўллаган ҳолда ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича (андоза навга нисбатан) қуйидаги гурухларга ажратилди: 1- жуда паст (< 75 %), 3-паст (75,1-105 %), 5- ўртача (105,1-115%), 7-юқори (115,1-125%), 9- жуда юқори (> 125%)

Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорида 2021 йилда 7 та тизма паст, 328 та ўрта, 55 та юқори, 6 та жуда юқори, 2022 йилда мос равишда 31,157,150,108 гурухларга мансублиги аниқланди.

Тизмаларни ўрганиш натижасида 2021 йилда ҳосилдорлиги андоза (4,6 ц/га) навидан ҳосилдорлиги юқори бўлган 389 та, 1м² да маҳсулдор поялар сони (48-57 дона), 1000 та дон вазни (54,33-56,9 гр), бир бошоқдаги дон сони (22-25 дона), бир бошоқдаги дон вазни (1,22-1,44 гр), 2022 йилда мос равишда 415, 12,54-15,2 , 123-150, 61,1-70,65, 23-26,1,34-1,62 бўйича тизмалар танлаб олинди (7-жадвал).

Иккинчи авлодларни синаш кўчатзори 2021 йилда Адир навидан 389 та, 2022 йилда 415 та тизмалар танлаб олинди ҳамда хар бирининг дон ҳосили алохида-алохида кичик халтачаларга йиғиб олинди, сараланди, тозаланди ҳамда сифат кўрсаткичлари ва навдорлигининг бир хиллигига ишонч ҳосил қилиниб, уруғлар бирлаштирилди. Мазкур кўчатзордан 2021 йилда 102 кг, 2022 йилда

283 кг юқори авлодли уруғлик дон жамғарилди ва биринчи йил авлодларни кўпайтиришмайдонига экилди.

7-жадвал

**Адир навининг иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорида
авлодларнинг ҳосилдорлик бўйича қўрсаткичлари
(Фаллаорол 2021-2022 йй)**

Ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича гурухлар (андозага нисбатан)	Йилл ар	Синаш кўчатзорида танлаш натижалари		Синаш натижалари					
		Ажralган тизмалар сони, дана	Андозага нисбатан максулдор %	Ҳосил ц/га	Андозага нисбатан, %	1м ² да махсулдор поялар сони	1000 дона дон вазни, г	Бир бошоқдаги дон сони, дона	Бир бошоқдаги дон вазни, г
жуда паст (< 75 %)	2021								
	2022								
паст (75,1- 105 %)	2021	7	1,66	4,43	96,3	39,4	52,24	20	1,12
	2022	31	6,54	10,26	90,04	100	56,35	21	1,20
ўртacha (105,1-115%)	2021	328	77,91	4,90	106,52	48,5	54,33	22	1,22
	2022	157	33,12	12,54	110,0	123	61,10	23	1,34
юқори (115,1-125%)	2021	55	13,06	5,52	120,2	54	55,59	24	1,32
	2022	150	31,64	13,68	120,0	134	65,85	25	1,48
жуда юқори (> 125%)	2021	6	1,43	5,83	126,71	57,6	56,09	25	1,44
	2022	108	22,78	15,2	133,33	150	70,65	26	1,62
Андоза (элита) навининг ўртacha кўрсаткичи	2021	25	5,94	4,60	100,0	45,4	54,09	22	1,19
	2022	28	5,91	11,4	100,0	112	57,04	21	1,31



**3-расм. Адир навининг иккинчи
йил авлод синаш кўчатзорини экиш**



**4-расм. Адир навининг иккинчи
йил авлод синаш кўчатзорини комбайн
билин ҳосилини ўриш**



**5-расм. Адир навининг биринчи
йил кўпайтириш майдони**

Иккинчи йилги авлодларни синаш кўчатзоридан 2021 йилда 102 кг, 2022 йилда 283 кг танлаб олинган юқори авлодли уруғлар мос равишида 12,5 га биринчи йил кўпайтириш кўчатзорига, тоза шудгор ўтмишдошига сеялка ёрдамида экилди. Лалми ерлар учун тавсия этилган барча агротехник тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи йил кўпайтириш кўчатзорида 2021 йилда 1050 кг, 2022 йил 550 кг, иккинчи йил кўпайтириш майдонидан 2022 йилда 3710 кг ҳосил комбайнда йифиб олинди, уруғлик дон қайта тозалаш, саралаш ишлари бажарилди.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотларда биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорида ўрганилган 1000 тадан авлодлардан арпанинг «Адир» навидан 2021 йилда 615 та авлодлар танлаб олинди. Қолган авлодлар яроқсизга чиқарилди.
2. Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорида ўрганилган ҳар бир навнинг авлодларидан танлов натижаларига кўра қимматли хўжалик белгилари ва биологик хусусиятлари бўйича навдор деб топилган арпанинг «Адир» навидан 2021 йилда 389 та, 2022 йилда 415та авлодлар танлаб олинди. Қолган тизмалар яроқсизга чиқарилди.
3. Танлаб олинган арпанинг «Адир» навидан 2021 йилда 389 та, 2022 йилда 415та авлодлар ҳар бирининг дон ҳосили алоҳида-алоҳида кичик халталарга йифиб олинди, сараланди, тозаланди ҳамда уруғликнинг сифат қўрсаткичлари лаборатория тахлилидан ўтказилиб, уруғлик навдорлигининг бир ҳиллигига ишонч ҳосил қилиниб бирлаштирилди.
4. Иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзоридан арпанинг «Адир» навидан 2021 йилда 102 кг, 2022 йилда 283 кг уруғлик дон жамғарилди ва биринчи йил кўпайтириш майдонида экиш учун тайёрланди.
5. 2022 йил биринчи йил қўпайтириш майдонларида арпанинг «Адир» навидан 15,0 гектар майдонга жорий этилди.
6. 2023 йил ҳосили учун жами арпанинг «Адир» навидан 3710 кг юқори авлодли уруғлик дон экиш учун жамғарилди.
7. 2023 йил ҳосили учун арпанинг «Адир» навидан 20 гектар майдонга юқори авлодли уруғларни экиш режалаштирилди.

REFERENCES

1. Аманов А.А. ва бошқалар. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004 йил.
2. Гуляев Г.В. Совершенствовать систему семеноводства. // Вестник РАСХ. 1992.№ 4 с. 17-21.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985.
4. Маматқулов Т., Усаров З.И. Лалмикор ерларда экиш учун мўлжалланган арпанинг янги “Адир” навини уруғчилигини ташкил қилишда биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорининг аҳамияти. – 2022.
5. Международный классификатор СЭВ рода Hordeum L. ВНИИР имени Н.И.Вавилова (ВИР). Ленинград. 1983. -54 с.

6. Покровская М., Усаров З., Маматкулов Т. Оценка устойчивости сортов ячменя к неблагоприятным условиям боярных районов //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 319-322.
7. Практикум по селекции и семеноводству полевых культур» 1987.
8. Уразалиев Р.А. Селекция, семеноводства и сортоиспитания на современном этапе. // Вестник. с/х науки Казахстана. 1993. с. 21-23.
9. Қурбонов Г.К. Основы продовольственных проблем ж. «Сельское хозяйство Узбекистана» 2001 -C.3.
10. Tursunkul M. et al. Results On Primary Seeding And New Varieties Of Cereal Crops Intended For Cultivation In Aridous Lands //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 9. – С. 4376-4384.